

## МАМЛАКАТИМИЗДА МИНТАҚАЛАР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

К.Х.Саидова

ТТЕСИ асистент

Мамлакатимизда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашни талаб қилади. Минтақалар иқтисодиётини кўтармасдан, ислоҳотларни чуқурлаштирмасдан миллий иқтисодиётни ривожлантириш мумкин эмас. Чунки, айнан минтақалар миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини, унга хос хусусиятларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бунда минтақаларда мавжуд табиий ресурслар, демографик вазият ва инсон ресурслари, маъмурий-худудий тузилмалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсат-кичлари хал қилувчи аҳамият касб этади.

Иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсиш деган тушунча мавжуд бўлиб, у барқарор ривожланишнинг алоҳида таркибий қисми ҳисобланади. Барқарор иқтисодий ўсиш мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларининг маълум йиллар давомида (одатда беш йил) ижобий ва ўзаро мутаносиб ўсиш динамикасидан

вужудга келадиган иқтисодий ўсишдир.

Иқтисодий ўсиш – бу иқтисодиётнинг ривожланиши, яъни ҳаётий неъматлар бўлган товарлар ва хизматларн ишлаб чиқарилишининг кўпайиб боришидир. Иқтисодий ўсиш одатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши билан ўлчанади. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги тушунчаси мавжуд, у иқтисодий ўсишнинг пировард натижаси бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг қай даражада ўсганини ифодалайди. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги – бу иқтисодий ўсишга қандай харажатлар билан эришилганлиги бўлиб, ялпи ички маҳсулот ўсишининг харажатлар ўсишига нисбати орқали аниқланади.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш кўп жиҳатдан ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминловчи омиллардан самарали фойдаланиш, унинг тармоқ тузилишини такомиллаштириш, ялпи ички маҳсулот таркибий компонентларининг оптималь нисбатини таъминлаш, иқтисодий ўсиш моделларидан энг мақбулларини танлаш каби муҳим масалаларни ечиш билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнларни макроиқтисодий таҳлил қилиш ва методологик жиҳатдан такомиллаштириш, бу бўйича амалий тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётининг ўсишини тезлаштиради.

Ўзбекистон иқтисодиётида тармоқларнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги улушкини таҳлил қилиш асосида мамлакатда ялпи таклиф омилларининг тармоқлар тақсимоти орқали уларнинг самарадорлик даражасини ўрганиш мумкин. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламдаги чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркибида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини янада жадаллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини такомиллаштириш;

- мамлакатда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш;
- мамлакатда ишчи кучидан янада самаралироқ фойдаланиш;
- юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш корхоналари-ни ривожлантириш ва киритиладиган инвестициялар ҳажмини қўпайтириш;
- фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш;
- барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга мавжуд барча резерв ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш ва бошқалар

Иқтисодий ўсиш – бу мамлакат иқтисодиёти муайян давр мобайнида (одатда бир йил) миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан ёки умумий иқтисодиётга нисбатан ортишидир.

Ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсишни таъминлашга интилади. Чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайишига, иккинчидан, ресурслардан самарали фойдаланишга, учинчидан, янги-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат нуфузининг ошишига олиб келади.

Кўплаб иқтисодчи олимлар иқтисодий ўсиш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб борган. Улар томонидан иқтисодий ўсишнинг механизмлари ўрганилиб, иқтисодий ўсиш моделлари тузилган. Иқтисодиёт назариясига кўра, ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш моделлари З асосий гурухга ажратилади: кейинсча ва неокейинсча иқтисодий ўсиш моделлари, неоклассик иқтисодий ўсиш моделлари, ҳозирги замонавий иқтисодий ўсиш моделлари .

Ўзбекистонда кейинги йилларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда ва ҳукумат томонидан уни мустаҳкамлаш борасида янги устувор вазифалар белгиланмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Асосий вазифалар – макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, тармоқларни монополиядан чиқариш, давлат томонидан нархлар белгиланишини тартибга солишини бекор қилиш ва “яширин иқтисодиёт”га барҳам бериш”.

Иқтисодий ўсиш замиридаги замонавий иқтисодий назарияда одатда табиий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ҳажмининг реал кўпайиб кетиши ва қисқа муддатли равнақи эмас, балки узоқ муддатли вақт оралиғидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш реал ҳажми табиий даражасининг узоқ муддатли ўсиши тушунилади.

Мамалакатимиз минтақалари ўзига хос табиий - иқтисодий салоҳиятга, демографик ҳолатга ва бошқа шарт-шароитларга эга. Алоҳида таъкидлаш лозимки, минтқавий ривожланиш макроиқтисодий сиёсатнинг кичрайтирил-ган нусхаси эмас. Чунки ҳар бир ҳудуд ўзига хос табиий ресурс ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, унинг ривожланиш йўллари макроиқтисодий ривожланишдан фарқ қиласи. Шу сабабли минтақалар ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотлар даражасини доимо таҳлил қилиб туриш, зарур ҳол-ларда эса уларга ўзгартиришлар киритиб туришни тақозо этади.

Маълумки, минтақалар табиий - иқтисодий салоҳиятининг таркибий қисмига минерал хом-ашё, ер ва сув ресурслари, аҳоли ва меҳнат ресурслари, асосий ишлаб

чиқариш фондлари, айланма ишлаб чиқариш ресурслари ва аҳолининг шахсий мулки киради. Бу ресурслари миқдори ва улардан фойдаланиш даражаси бўйича минтақа ва худудлар бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги “Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар” институтининг маълумотларига кўра Энг юқори табиий иқтисодий салоҳият Тошкент, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида жамланган. Уларда республи-кадаги жами табиий - иқтисодий салоҳиятнинг қарийиб 60 фойизга яқини тўпланган. Энг кам салоҳият Сирдарё, Жиззах ва Хоразм вилоятларига тўғри келади. Уларда жами салоҳиятнинг жами 9 фойиз жойлашган.

Ёқилғи-энергетика ва минерал ҳом ашё ресурсларининг саноат аҳамиятига эга бўлган қисмининг қиймати бўйича минтақалар орасида Қашқадарё, Тошкент, Навоий, Бухоро вилоятлари ажралиб туради. Энг кам салоҳиятга эга бўлган худудлар қаторига Сирдарё, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари киради. Уларнинг ҳом ашё базаси асосан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кичик нефт газ ва қурилиш материаллари конларидан иборатdir.

Республика ёқилғи-энергетика ресурсларининг асосий қисми Қашқадарё, Тошкентва Бухоро вилоятларига тўғри келади. Нефт газ конденсати ва табиий газнинг текширилан заҳираларининг катта қисми Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида жойлашган. Республикамиздаги кўмирнинг саноат аҳамиятига эга бўлган заҳираларининг 97,4 фойизи Тошкент вилояти ва 2,6 фойизи Сурхондарё вилоятларида жойлашган.

Рангли ва нодир металларнинг асосий қисми Тошкент ва Навоий вилоятларига тўғри келади. Тошкент вилояти салмоғининг юқори бўлиши мис, рух, қўрғошин нодир металлар кенг тарқалгани ҳисобига бўлса, Навоий вилоятининг салмоғини нодир (олтин, кумуш) белгилайди.

Химия саноати ҳом ашёсининг қиймати бўйича мамлакатда Қашқадарё вилояти (77%) ва Қорақалпоғистон Республикаси (11%) юқори ўринни эгаллади. Биринчисида калий ва ош тузи, иккинчисида эса сульфат ва ош тузи кенг тарқалган. Лекин ҳом ашёни ҳозирги пайтда қазиб олиш жиҳатига кўра республикада асосий ўринни эгаллади. Бу вилоятда Хўжакон конида ош ва техник тузлар қазиб олинади. Навоий вилоятида мамлакатда текши-рилган фосфорит заҳираларининг ҳаммаси жойлашган.

Нометалл қазилмалар асосан Тошкент (каолин, плавик шпати), Навоий (дала шпати, кварц қуми) вилоятлари ва Қорақалпоғистонда (талк) жойлашган.

Тошкент ва Навоий вилоятларида цемент ресурслари жойлашган. Пардозловчи плиталарни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган мармар ва гранит тошлари заҳираларига Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бой ҳисобланади.

Аҳоли ва меҳнат ресурслари барча худуларнинг иқтисодий салоҳиятини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Мамлакат меҳнат ресурсларининг умумий сонида Тошкент шахри (12%), Фарғона вилояти (10,8%), Самарқанд вилояти (10,2%) Тошкент вилояти (8,9%). Бу жиҳатдан Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларининг салмоғи анча кам.

Юқрида келтирилган маълумотлардан қўриниб турибдики, Ўзбекистон минтақалари табиий-иктисодий салоҳиятида Қашқадарё, Тошкент, Навоий, Бухоро вилоятларининг ҳиссаси анча юқори ҳисобланади. Келажақда табиий бойликларни ўзлаштириш ҳисобига ўзининг иктисодий салоҳиятини кўтариш имкониятига эга бўлган минтақалар қаторига Қорақалпоғистон Республика-си, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларини киритиш мумкин. Лекин, Фарғона водийси вилоятларида бу имкониятлар анча чекланган.

Ўзбекистон Республикаси географик жойлашиш нуқтаи-назаридан

табтатан қўйидаги минтақаларга бўлиб ўрганилади: Фарғона, Тошкент, Зарафшон, Жанубий, Мирзачўл, Кўйи Амударё. Улар жойлшган жойи, табиати, маҳаллий минталитети, маҳаллий урф-одатлари, ахоли сони, ишлаб чиқариш маданияти, меҳнат қўнимаси, иктисодиётда тутган ўрни, табиий бойликлари ва бошқа жихатлари билан бир-биридан фарқ қиласди.

Бундай хилма-хиллик минтақанинг иктисодий ўсишига ҳам ўз таъсирини ўтказмайди. Минтақаларининг республикамиз ялпи ички маҳсулотидаги улишини қўйида келтирилган жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг ялпи ички

маҳсулотидаги узиши

Минтақалар	Ялпи аҳоли сонидаги улиши, %	ЯИМ (ялпи ички маҳсулотдаги улиши, %)	ЯСМ саноат маҳсулотдаги улиши, %)	ЯКҲМ(ялпи қишлоқ хўжалигидағи маҳсулотидаги улиши, %)
Тошкент	17,8	29,4	29,6	14,3
Фарғона	28, 6	21,1	26,5	24,3
Зарафшон	20,2	19,2	19,1	26,4
Жанубий	17,1	13,3	17,7	16,6
Мирзачўл	4,4	7,2	2,3	9,3
Кўйи Амударё	11,9	9,8	4,8	9,1
Ўзбекистон Республикаси бўйча	100	100	100	100

Жадвалдан қўриниб турибдики, минтақаларнинг юқорида санаб ўтилган хусусиятлари худуднинг ялпи ички маҳсулотдаги улишига таъсир кўрсатган.

2019 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 424,1 трлн. сўм бўлса, 2020 йилнинг биринчи чораги бўйича 110,5 трлн.сўмни ташкил этган, бу жон бошига 3,25 млн. сўмга (341 долларга) teng.

Келтирилган маълумотларни 2019 йил якунлари бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, Фарғона минтақасининг ялпи ички маҳсулотдаги улиши юқори 21,1 фоизни ташкил

қилди ва аҳоли сони юқори кўрсаткичга эга. Фарғона минтақасининг улиши 89,5 трлн. сўмни (424,1 трлн. сўм:100 x 21.1) ташкил қиласди (21.1% - ялпи ички маҳсулотдаги улиши). Шунингдек,2019 йилда республикамиз аҳолиси сони 33 375 800 кишини ташкил қиласди. Фарғона минтақасининг улишига 9 545 478 киши (33 375 800:100 x 28,6) тўғри келади (28,6 % -ялпи аҳоли сонидаги улиши).

Юқоридагилардан келиб чиқсан холда Фарғона минтақанинг киши бошига тўғри келдиган ялпи митақавий маҳсулоти (ЯММ) 9 365691 сўмга (89,5 трлн. сўм : 9 545 478 киши) тенг. Агар АҚШ валютасига айлантирасак, 983 долларни (9 365691 сўм : 9530 сўм) ташкил этади (9530 сўм ўша даврдаги ўртacha валюта курси).

Шунингдек, Зарафшон минтақасини кўриб чиқадиган бўлсақ, ялпи ички маҳсулотдаги улиши 81.4 трлн. сўмни (424,1 трлн. сўм:100 x 19.2) ташкил қиласди (19.2 % - ялпи ички маҳсулотдаги улиши), аҳоли сони 6741911 кишидан (33 375 800 киши :100 x 20,2) иборат (20,2% -ялпи аҳоли сонидаги улиши). Бу кўрсаткичлардан фойдаланиб, киши бошига тўғри келдиган ялпи худудий маҳсулоти аниқлайдиган бўлсақ, 12 149 253 сўмга (81.4 трлн. сўм : 6741911 киши) тенг. Агар АҚШ валютасига айлантирасак, 1275 долларни (12149253 сўм : 9530 сўм) ташкил этади.

Тошкент минтақасини олдиган бўлсақ, ЯИМ улиши 123.4 трлн. сўмга (424,1 трлн. сўм:100 x 29.4) тенг (29.4% - ялпи ички маҳсулотдаги улиши). Аҳоли сони 5940824 киши (33 375 800 :100 x 17,8). ЯИМ аҳоли жон бошига ҳисобласак, 20 919856 сўмга (123.4 трлн. сўм : 5940824 киши). Агар АҚШ валютасига айлантирасак, 2197 долларни (20 939856 сўм : 9530 сўм) ташкил этади.

Демак, минтақани ялпи ички маҳсулотдаги усиси ёки ялпи худудий маҳсулоти ҳажми нафакат ишлаб чиқариш ҳажми балки, аҳоли сонига ҳам боғлиқ экан. Таҳлилимида Фарғона минтақасининг ялпи ички маҳсулотдаги улиши 89,5 трлн. сўмни, Зарафшон минтақасини кўриб чиқадиган бўлсақ, ялпи ички маҳсулотдаги улиши 81.4 трлн. сўмни ташкил этади. Киши бошига тўғри келдиган ялпи худудий маҳсулот Фарғона минтақада 983 долларни ташкил этаса, Зарафшон минтақасида 1275 доллар, Тошкент минтақасида 2197 долларга тенг. Агар 2018 йилда Республикаимизда ЯИМ аҳоли жон бошига ўртacha 1 533 доллардан тўғри келишини инобатга олсақ, қинган таҳлил бўйича фақат Тошкент минтақасида иқтисодий ўсишга эришилган. Лекин, худуднинг ўзига нисбан қолган минтақаларда ҳам нисбатан иқтисодий ўсишга эришилган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда кейинги йилларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда ва ҳукumat томонидан уни мустаҳкамлаш борасида янги устувор вазифалар белгиланмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Асосий вазифалар— макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жиловлаштармоқларни монополиядан чиқариш, давлат томонидан нархлар белгиланишини тартибга солишни бекор қилиш ва “яширин иқтисодиёт”га барҳам бериш”.

Мамлакатимиз минтақалари ўзига хос табиий- иқтисодий салоҳиятга, демографик ҳолатга ва бошқа шарт-шароитларга эга. Алоҳида таъкидлаш лозимки, минтақавий ривожланиш макроиктисодий сиёсатнинг кичрайтирилган нусхаси эмас. Чунки ҳар бир ҳудуд ўзига хос табиий ресурс ижтимоий-иктисодий тизим бўлиб, унинг ривожланиш йўллари макроиктисодий ривожланишдан фарқ қиласди. Шу сабабли минтақалар ривожланиш ва иқтисодий ислоҳотлар даражасини доимо таҳлил қилиб туриш, зарур ҳол-ларда эса уларга ўзгартиришлар киритиб туришни тақозо этади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ\_101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги Фармони
3. Райзберг Б.А. Современный экономический словарь. – М., 2012, с. 264.